



*II Республика
илмий-амалий
конференцияси
материаллари*

**Ўзбекистон
Республикасида
ёшларга оид
давлат
сиёсатини
амалга
оширишнинг
долзарб
масалалари**

Тошкент
2015 йил 8–9 октябрь

«весто»да ёшларни илм-маърифат йўлида тарбиялаш.....	168
миллий дўппи безакларининг ўзига хос хусусиятлари	172
дейное воспитание молодёжи – дело всех и каждого.....	176
шлар ўртасида мафкуравий тарғибот ишларини ташкил этиш масалалари.....	180
ustahkam e'tiqodga ega bo'lgan yosh avlodni tarbiyalashning ma'naviy-ma'rifiy asoslari	184
увчиларда «адолат», «ҳалоллик», «виждон» тўғрисидаги тушунчаларни шакллантиришда Ғарб олимларининг педагогик технологияларидан фойдаланиш	188

4 - иш ўйб а.

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ

Иқтидорли ўқувчилар фаоллигини оширишда ўқитувчининг ижодий фаолияти.....	192
овременные аспекты формирования толерантности у молодежи в процессе реализации государственной молодежной политики Узбекистана.....	194
шларни тарбиялашда тафаккур услубларини шакллантириш ва илмий-ижодий фаолиятини қўллаб-қувватлашда ижтимоий ҳимоянинг аҳамияти.....	199
Ўжалик юритувчи субъектларда стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш асослари.....	206
воспитание интеллектуально богатой молодежи – залог великого будущего Узбекистана.....	216
еатр-студиячилик анъаналари – иқтидорли ёшларни бирлаштирувчи восита.....	219
Миллий менталитет – ёшлар ижтимоий фаоллигининг асосидир	223
некоторые тенденции социальных изменений молодёжи в модернизирующемся обществе.....	228
Оқсак билимли, интеллектуал салоҳиятли ёшлар юрт истиқболи.....	235

в молодежной среде, систематизировать и концептуализировать новое знание о характере протекающих процессах в обществе. В обстановке объективного возрастания интереса к проблемам приспособления, связанным с модернизацией государства и общества, расширение представлений о детерминантах социального изменения молодежи как социально-демографической группе зависит от ряда факторов определяющих качественные изменения социокультурных характеристик молодежи и выявление особенности расслоения.

ЮКСАК БИЛИМЛИ, ИНТЕЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТЛИ ЁШЛАР – ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

Д. Ийманова,

*Андижон машинасозлик институти,
тарих фанлари номзоди, доцент,*

Х. Аганиязова,

катта ўқитувчи

Бугун юртдошларимиз ўз олдига эзгу ва улуг мақсадлар қўйиб, ўз кучи ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган бир даврда амалга оширилаётган ислохот ва ўзгаришларнинг моҳияти ўзлик ва ўзига хосликни кенг тарзда англаб етган ва мустаҳкам миллий ғоя, ўткир фикр, илмий тафаккур билан етилган жамият аъзоларини тарбиялашни талаб этмоқда. Айни пайтда шу ўтган йилларда миллат, халқ тақдири билан боғлиқ жараёнлар сарҳисоб қилинса, асрларга тенг, улкан аҳамиятга молик ишлар амалга оширилганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Энг муҳими, ана шундай ўзгаришлар натижасида юртдошларимизнинг дунёқараши, маънавий олами, ҳаётга, меҳнатга муносабати кескин ўзгариб бормоқда, шу заминда ўсиб келаётган ёшларга эртанги кунга қатъий ишонч бағишламоқда. Мамлакатимизда инсон манфаатларини олий қадрият даражасига кўтаришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар халқимизнинг ижтимоий, сиёсий ҳаётини, маънавий оламини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ёшларга бўлган ишончини қуйидагича баён қилади: «Бугунги кунда ёшларимиз ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга дадил қадам қўймоқда. Мен бу ёшларга

ўзимга ишонгандек ишонаман»¹, «Сиз жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган, дунёнинг бешигини тебратган буюк аجدодларимизнинг ворисларисиз. Энди уларга муносиб бўлиб, замонамизнинг энг илғор ютуқларини ўзлаштириб, орттиражак билим ва тажрибаларингизни Ватанимиз равнақи йўлида сарф этишингизга, бу борада тенгдошларингизга ибрат бўлишингизга ишончим комил»², «Чунки эртанги кун ёшлар қўлида. Ҳаётга ҳал қилувчи куч сифатида кириб келаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга ишонч билдириш лозим»³, «Энг муҳими фарзандларимиз дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган инсонлар бўлиб вояга етиши учун давлатимиз, жамиятимиз барча шарт-шароитларни яратиб бермоқда»⁴. Ҳозирда Ўзбекистон аҳолисининг 64 фоизини ёшлар ташкил қилган ҳолда, 17 миллион 80 минг нафардан ортиғи 30 ёшгача бўлганлар, 18 ёшгача бўлган ёшлар эса 10 миллион 360 минг нафарни, яъни 40 фоизни ташкил қилиб⁵, ўзлигини, тарихини чуқур билган, идрок қилган, ундан ҳолис ҳулоса чиқара олган, бугуннинг талабларини тўғри тушунган ва моҳиятини англаган ёшлар Ўзбекистон келажагининг мустаҳкам пойдеворидир.

Ўзбекистон давлатининг буюк келажаги ҳозирги кунда, асосан, мактабларда, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим ва тарбия олаётган истеъдодли ижодкор ва ташаббускор ёшларга боғлиқ. Чунки бу ёшлар мамлакатимиз иқтисодиёти, маданияти ва ишлаб чиқариш соҳаларида ижод қиладиган, келажагимиз пойдеворини яратадиган ёшлардир. Халқимиз ҳаётимизни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий янгиланиш дастурини бажаришда ёшларнинг имкониятларига умид билан қарамоқда. Негаки, биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганмиз. Комил инсон деганда биз, аввало, онгли, мустақил фикрлайдиган,

¹ Ислам Каримов. Тарихий хотира ва инсон омили – буюк келажагимизнинг гаровидир. –Т.: «Ўзбекистон», 2011. 36-бет.

² Президентга мактублар. –Т.: «Маънавият», 2006. 82-бет

³ «Тошкент оқшоми» газетаси. 2012 йил 10 май.

⁴ Ислам Каримов. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизни бош мезони ва мақсадидир. 15-жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 2007. 57–58-бетлар.

⁵ Тарихий хотира ва инсон омили – буюк келажагимизнинг гаровидир. Ўқув қўлланма. –Т.: «Ўқитувчи», 2012. 97-бет

хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз. Онгли, билимли инсоннинг доимо жамият, юрт, халққа фойдаси тегади, бошқаларга ортиқча юк бўлмайди, ҳамма ютуқларга ўз меҳнати ва ақли билан эришади.

Юртимизда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, у яхлит самарали тизимга асос бўлиб, шахс, давлат ва жамият манфаатларига хизмат қилади. Узлуксиз таълим, илм-фан, ишлаб чиқариш бу яхлит жараённинг узвий таркибий қисмларидир. Мазкур дастур мамлакатимиз иқтисодиёти ва ҳаётининг барча жабҳаларида юқори малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашни миллий, умуминсоний қадриятлар асосида маънавий-ахлоқий тарбиялаш, шунингдек, кадрлар тайёрлаш борасида ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган яхлит ўқув-илмий ишлаб чиқариш комплекси сифатида таълим тизимини босқичма-босқич такомиллаштириш вазифасини муваффақиятли ҳал этишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистондаги 12 йиллик умумий таълим тизими жаҳондаги энг илғор мамлакатлар томонидан эътироф этилиб, юқори баҳоланмоқда. Ҳозирда юртимизда 1396 та касб-ҳунар коллежи, 141 та академик лицей фаолият кўрсатиб, 1,7 млндан ортиқ ўғил-қиз билим олмоқда¹. Мустақиллик йиллари давомида республикаимизда қабул қилинган ёшларга тааллуқли 100 дан ортиқ қонун ҳужжатлари, ўттиздан ортиқ Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 40 дан ортиқ қарорлари ёшларимизни маънавий-атроф, маърифатли, зиёли, янгича дунёқараш, демократик тафаккурга эга бўлган янги авлод сифатида шаклланиши учун хизмат қиладиган ҳужжатлардир. Бугун республикада таълим жараёнини ислоҳ этиш ва меҳнат бозорида талаб қилинаётган юқори малакали кадрларни тайёрлашда олий ўқув юртлари муҳим ўрин эгалламоқда. Ҳозирда Ўзбекистонда 59 та университет ва олий ўқув юртларида 230 мингдан зиёд талабалар таълим олмоқда². Бундан ташқари

¹ Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва озод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. Ўқув қўлланма. –Т.: «Ўқитувчи», 2013. 57-бет.

² «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарорлаштириш, тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт» мавзусидаги халқаро конференция материаллари. –Т.: «Ўзбекистон», 2012. 6-7 бетлар.

жаҳоннинг нуфузли университетлари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилиб, натижада Тошкентда Буюк Британиянинг Халқаро Вестминстр университети, И. Губкин номидаги Россия нефть ва газ давлат университети, Италиянинг Турин политехника университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси, М. Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Кореянинг Инха университети каби юксак халқаро обрў-эътибор ва чуқур тарихий илдизларга эга бўлган Европа ва Осиёнинг етакчи олий ўқув юртларининг филиаллари ташкил этилди ва муваффақиятли иш олиб бормоқда. Бизни дунёнинг кўплаб мамлакатларидан ажратиб турадиган жиҳати ҳам Ўзбекистон улкан ёшлар потенциалига эга мамлакат бўлиб, бу потенциал тўғри ва аниқ мақсадларга йўналтирилар экан, катта имкониятлар ва кашфиётларни ҳам тақдим этади. Масалан, давлат таълим соҳасига доимий равишда инвестициялар киритилиб борилиши натижа-сида юқори интеллектуал салоҳиятга эга, замонавий, рақобатбардош кадрларга эришади. Бундай мутахассис кадрлар бунёдкорлик ишларига, кашфиётларга кучли бўлиб, давлатимиз тараққиёти ва ривож учун юксак ҳиссаларни кўшади¹.

Ўзбекистонда таълим соҳасига йўналтирилаётган харажатлар ҳажми ялпи ички маҳсулот таркибида 12 фоиздан ортади. Жаҳон тажрибасида эса бу кўрсаткич 3–5 фоиздан ошмайди. Мамлакатимизда саводхонлик даражаси жаҳонда энг юқорилардан бири бўлиб, бу борадаги кўрсаткич 99,2 фоизни ташкил этмоқда².

2012 йилнинг 16–17 февраль кунлари Тошкентда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзусидаги халқаро конференцияга жаҳоннинг 48 мамлакатидан, 8 та нуфузли халқаро ташкилотдан келган мутахассислар ҳам республикада узлуксиз таълим соҳасини ривожлантириш ва ёш авлодни

¹ «Туркистон» газетаси, 2013 йил 30 январь.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Мустақиллик – барча эзгу режалар ва марраларимизнинг мустаҳкам мезонидир» асари юзасидан ўқув қўлланма. –Т.: 2013. 6-бет.

баркамол тарбиялашнинг миллий моделини яратишда қилинган ишларга юксак баҳо беришди.

Бундан ташқари, АҚШнинг CNN компанияси тайёрлаган дунё мамлакатларининг таълим соҳасининг аҳволи тўғрисидаги қиёсий ахборотда таъкидланишича, таълим соҳасидаги инновациялар кўрсаткичи бўйича дунёда Ирландия 75,70 балл билан биринчи, Ўзбекистон 75,38 балл билан иккинчи ўринни эгаллаган. Катта молиявий имкониятларга эга бўлган Саудия Арабистони 65,49 балл билан 15 ўрин, дунёнинг энг қудратли давлати бўлмиш АҚШ 61,34 балл билан 31 ўрин, Россия 55,18 балл билан 55 ўрин, Хитой 52,23 балл билан 67 ўринни эгаллаган. Собиқ совет ҳудуди таркибига кирган бошқа мамлакатлар ҳақида таъкидланганда, улар рейтингда қуйидагича жойлашган: Қозоғистон 69-ўрин, Қирғизистон 72-ўрин, Арманистон 85-ўрин, Грузия 87-ўрин, Озарбайжон 89-ўрин, Тожикистон 107-ўрин билан кифояланган¹.

Мустақиллик берган имкониятлар туфайли ёшлар ҳал қилувчи куч бўлиб, ҳаётга кирмоқда. Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш соҳасида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли алоқалар кундан-кунга ривожланмоқда ва ҳозирги кунда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бўйича ва таълим соҳасидаги барча саъй-ҳаракатларимизнинг дастлабки қувончли меvasи сифатида бир неча хорижий тилларда эркин гаплаша оладиган ва шу билан бирга, ўз фикрини она тилида равон, гўзал, аниқ, лўнда ифода эта оладиган янги мутахассислар авлодини кўрганда, ҳеч шубҳасиз, ҳар бир эзгу ниятли инсоннинг қалбига ғурур ва ифтихор туйғулари тўлади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда яшаётган ёшларнинг ҳар бири, эртага уларнинг мамлакати дунё билан тенглашиши, кимгадир эмас, фақат ўзларининг ҳаракатлари ва меҳнатларига боғлиқ эканини англаб етсагина, ҳаётимизнинг чинакам ҳал қилувчи кучига айланади. Ўзига ишонган одам келажакка ишонч билан яшайди ва Ватан, Юрт равнақи учун ўзининг юксак ҳиссасини, албатта, қўшади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Мустақиллик — барча эзгу режалар ва марраларимизнинг мустаҳкам мезонидир» асари юзасидан ўқув қўлланма. —Т.: 2013. 6-бет.